

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 28-iyul • № 30 (3859)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида

Юксак даражадаги илмий изланишларни амалга ошириш, ноёб иختиро ва кашфиётлар, энг замонавий талабларга жавоб берадиган техника ва юқори технологияларни, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган етук бадиий асарлар яратишни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:



1. 2007 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг:
 - фан ва техника;
 - адабиёт;
 - санъат ва меъморчилик йўналишларида жами олти — учта биринчи даражали ва учта иккинчи даражали Давлат мукофотлари таъсис этилсин. Ҳар қайси биринчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараварига, ҳар қайси иккинчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараварига тенг бўлиши белгилаб қўйилсин.
 2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгаш ташкил қилинсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномаларни қабул қилиш ва уларни саралаш, Давлат мукофотларига номзодлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг илмий, ижодий, адабий ва бадиий ишларининг кенг муҳокамасини ташкил қилиш, экспертизадан

ўтказиш ҳамда тегишли тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш Давлат мукофотлари бўйича кенгашнинг асосий вазифаси деб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Илгари Ўзбекистон Республикасининг Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Камолдин Бехзод ва Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари билан тақдирланган, лауреатларнинг мазкур мукофотлари ўз кучини сақлаши белгилаб қўйилсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил қилиш тўғрисида" 1997 йил 23 январдаги ПФ-1701-сон Фармониининг 8-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:
 - мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин;
 - Давлат мукофоти лауреатларининг дипломи, гувоҳномаси ва кўкрак нишони лойиҳасини яратиш учун танлов эълон қилсин ва белгиланган тартибда тасдиқлансин.
7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 июл.



Қарши —2700

—2—

КЎЗ ОЧАЁТГАН ЧАШМАЛАР

Миллий қадриятларимиз асосини халқ оғзаки ижоди, асрлар мобайнида сайқал топиб келган урф-одатлар, эл-улуснинг ҳаёт тарзи — маънавий муҳитнинг муайян ҳудудга хос унсурлари ташкил этиши ҳаммага аён. Бироқ мустақилликка эришганимизга қадар халқ оғзаки ижоди таназзулга юз тутма бошлагани ҳақида ҳаттоки илмий мақолалар ҳам чоп этилгани бежиз эмас. Негаки, "миллатни йўқ қилиш учун, аввало, унинг тилини, қадриятларини йўқотиш зарур", деган ноҳолис ниятли чор амалдорларнинг пинҳона кўрсатмаларини шўролар ҳам ўзларига дастуриламал қилиб олган эдилар.

"Биз совет халқи" шиори истида миллий тилларнинг истеъмол доираси кесилб борилгани (миллий тиллар оила тили даражасига тушириб қўйилгани), халқимизнинг ўтмиши сохталаштирилгани, битмас-туганмас миллий бойликларга эга бўлган халқлар ватани иқтисодий қарам ҳудуд дея камситилгани, боз устига халқнинг руҳияти акс этган турфа аъналар, тарихий-миллий байрамлар, гўзал урф-одатлар ҳаёт тарзидан сиқиб чиқарилгани ҳам шу сиёсатнинг натижаси эди. Бу ўринда, биргина, лавозим шахсларнинг дафи маросимида иштирок этиши айб саналган даврларни кўз олдимизга келтиришнинг ўзи kiffo.

Бу моҳиятан дунё маданиятига беқиёс ҳисса қўшган ўзбеклар, жумладан, собиқ иттифоқ ҳудудда яшаётган бошқа эл-элатларни ҳам аста-секин ўз миллий белгилари, миллий қиёфаларидан ажратилиш учун турли йўللار билан зўр бериб амалга ошириб келинган ғирром режаларнинг бош мақсади эди.


Тўқсонинчи йилларнинг бошида она тилимизга давлат тили мақоми берилиши Ҳурриятга эришиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Тақиқча учраган Наврўз байрам элимизга қайтгани, "Авесто" ва "Алломиси" сингари бебаҳо миллий меросимиз тўйларни ўтказилгани, инсоният тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган улғу алломаларимиз, қадим шаҳарларимиз, буюк саркардаларнинг таваллуд саналари нишонлангани истиклол босиб миллий-маънавий қадриятларимиз эъзоз топаётганининг ёрқин далилидир. Бошқача айтганда, таназзул ёқасига келтириб қўйилган гўзал аъналаримиз, миллий удуларимиз мустақиллик тўғрисида қайтадан юз очди, халқнинг миллий гурури йўлида, она тарихимиз губорларидан тозаланди.

Бу жараён халқимизнинг оғзаки ижод намуналарини тўплаш, урганиш ва тадқиқ этишга, адабий тилини бойитишга, миллий тилимиз тараққиётга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, биз Ўзбекистон Миллий университетини ўзбек филологияси факультети профессор-ўқитувчилари талабаларини ўқув дастури бўйича фолклор-диалектология амалиётига олиб чиқганимизда, илгари кўпроқ янги қазиниладан ижод намуналарини тўплашга эътибор қаратган эдик. Хусусан, ўша давр сиёсатига мос равишда инқилоб, босмачиликка қарши кураш, колхозлаштириш, 1941-1945 йиллардаги уруш, фабрика-завод, янги қурилиш, космосни эгаллаш мавзуларига бағишланган кўшиқларни кўпроқ ёзиб олиш, уларни ҳисоботларда алоҳида қайд этиш аънаъга айлиниб қолган эди.

Эндилкида эса ўқув дастуридаги бундай амалий машғулотларни ўтказишда, бугуннинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, янгилишни ва жонлишни рўй бера бошлади. Бу йил университетнинг ўзбек филологияси факультети талабаларини навабдаги амалиёт сафарини Жиззах вилоятидаги Зомин туманида ўтказди. Пишагор ҳудудидagi беш-олтита қўшни қишлоқларда халқимиз оғзаки ижодига, Зомин лажжасидаги Пишагор шевага оид маълумотлар тўпланиди. Амалиёт раҳбарларининг асосий диққати қишлоқларимизда истикомат қилаётган аҳолининг ҳаёт тарзи, яқин йилларда рўй бераётган ўзгаришлар, халқ оғзаки ижодидagi янгиликлар, одамларнинг ўтмиш қадриятларига бўлган муносабатидagi фарқларга қаратилди.

Мамнуният билан таъқидлаш лозимки, умумий натижа биз ўйлагандан ҳам самарали бўлиб чиқди. Турли талабаларнинг дафтарларидаги ёзувларни ҳали долзарбимиз, бакалавр ва магистратурани битирувчи ёш мутахассисларни бу ишга жалб қилишимиз лозим. Аммо экспедиция материаллари билан умумий тарзда танишишнинг ўзи ҳам дастлабки хулосаларга келиш учун асос бўла олади.

Пишагор ҳудудидagi қишлоқларда ўтказилган амалиёт натижаларини қўйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, бу қишлоқларда истикомат қилувчи аҳоли вакиллари уч, тўрт, баъзан етти аждод вақилининг номи, уларнинг ҳаётида рўй берган муҳим ва қизиқарли воқеаларни билишига ҳаракат қилмоқдалар. Иккинчидан, аҳоли ўзи мансуб бўлган уруғ тарихини яқин ўрганган. Учтинчидан, собиқ шўро тузуми давридагидан қўра бевосита диний мазмунидаги афсоналар, ривоятлар, ақоид китоблардан мисоллар акс этган воқеалар нисбатан кам. Эҳтимол, бу ўринда аввалги мутлақ тақийнинг йўқлиги ўз таъсирини ўтказган. Биз эшитган ба ёзиб олган намуналар кўпроқ топонимик йўналиш касб этган диний ривоятлар (Пишагор, Сероб ота, Саид ибн Ваққос)дан иборат ҳолос. Туртинчидан, маълумот олинган шева вақилларнинг ёши анча ёшарган. Аввал асосий сўзловчилар 70-80 ёшлардаги қариларни ташкил қилган бўлса, халқ оғзаки ижоди намуналарини айтиб берган бугунги вақиллар 40-50 ёшлардаги эркак ва аёллардан иборат. Улар орасида мактаб ёшидагилар, ўсимир йигит-қизлар ҳам бор. Бешинчидан, биз тўплаган оғзаки ижод намуналарининг аксарияти қўшиқ (бир неча турларда), мақол, топишмоқлардан иборат бўлиб чиқди. Авваллари афсона, ривоят, эртақлар кўп учрар эди. Айниқса, топишмоқларнинг кўпчилиги бизни ажаблантирди (бу ҳолини ўрганиш, текшириш зарур деб ҳисоблаймиз).



Кўрғазма Залларида дўстлик куйчиси



Ўзбекистон Бадиий академияси кўрғазмалар залида санъатшунослик фанлари фахрий доктори, Корея Рассомлар ижодий уюмчаси ва Бадиий ижодий тизим таъдид этиш маркази аъзоси Владимир Аннинг шахсий кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Владимир Ан Палех бадиий мактабининг машҳур устозлари Н.Зиновьев, Н.Правдин, Д.Буторин раҳбарлигида аёло баҳолар билан туғатган. Сўнгра Москва бадиий-саноат билим юртида рангтаъсир, қаламчи ва назарий билимларни ўрганди. 1962 йили Тошкент бадиий билим юртида меҳнат фаолиятини бошлаб, нафақага чиққунга қадар ёшларга мураббийлик қилди.

Бу борада "Хамид", "Муассар Раazzoқова", "В.В.Ким", "Цой Людмила" каби асарлари эътиборга лойиқ. "Қора кийимли аёл", "Ўзбек Мадоннаси" суратлари эса композицион ечимдаги таъсирчанлик, ифодавий қўламнинг кенглиги, йўнда таъсирланishi билан диққатга сазовор. Рассом Европа ва Шарқ таъсир услубини пухта ўзлаштирган, ўз фикрини юзага чиқаришда ҳар икки йўналишдан унумли фойдалана биладиган ижодкор. "Ипак йўли" туркумидаги изланишларида Фарб ва Шарқ таъсир услуби уйғунлаштирилганини кўрамиз. В.Ан мажозий тушунарларни аниқ образлар воситаси билан ифода этишда катта тажрибага эга. Модернистик йўналишдаги "Музыка", "Шоира" каби асарлари диққатга сазовор.

Рассом бош ижодий таърибасини ёшларга ургатишда катта хизмат қилаётган мураббий ҳамдир. Устоз ижодкор шогирдлар тайёрлашдаги хизматлари, миллий таъсирли санъат ривожига қўшган хиссаси учун "Дўстлик" ордени, Корея Республикаси Президентининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

Республика ва хорижда ўтказилган нуфузли кўрғазмалар иштирокчиси, халқлар дўстлиги куйчиси Владимир Аннинг инсон руҳияти таъсирини бағишланган кўплаб асарлари томошабинларда ҳайрат ва эътибор уйғотаётганлиги билан қимматлидир.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ



Шу кунларда мамлакатимизда ҳаётимиздаги энг азиз ва энг улғу байрам, халқимизнинг асрий ордени — Мустақилликнинг ўн беш йиллигини муносиб кутиб олиш ва уни ўтказишга қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Бу қисқа давр ичида ҳаётимизда рўй берган тарихий-оламшумул воқеалар, эзгу мақсад йўлида эришган улкан ютуқларимиз тарихимизда алоҳиди давр бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Байрам муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси мамлакатимизнинг қатор вилоятларида ҳоқимликлар, маданият-маърифий ташкилотлар билан биргаликда ушбу кутуб санага бағишланган адабий-бадиий тадбирлар ўтказмоқда.

Шундай тадбирлардан бири — мамлакат мустақиллигининг ўн беш йиллигига

ПАРКЕНТДА ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ

бағишланган шеърят байрами кунги кеча Тошкент вилоятининг Паркент туманида бўлиб ўтди. Ёзувчилар уюмчаси фаоллари, республика, вилоят ва туман оммавий ахборот воситалари вакиллари, таниқли санъаткорлар, мураббийлар, дала меҳнаткашлари ҳамда умидли ёш ижодкорлар иштирокида ўтказилган бу байрамда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюмчаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Александр Файнберг, Махмуд Тоир, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, шоирлар Сирожиiddин Сайид, Минҳожиддин Мир-

зо, Азим Суён, Шавкат Туроб, Қутлибека, Умида Абдуазимова, Зарифа Эралиева, Усмон Бек, муҳаррирлар Шухрат Жабборов, Уткир Раҳматов, Аҳмаджон Мелибоев, Диффуза Шомаликова ва бошқа бир қатор ижодкорлар истиклол йилларида мамлакатимизда, хусусан пойтахт вилоятида эришилган улкан зафарлар, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига тобора ортиб бораётган нуфузи, адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқлар тўғрисида гурурланиб гапирдилар. Мустақиллик, она-Ватан, севги-содқат мавзусидаги ҳароратли шеърлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсат-

ган артист Гулбахор Эрқулова, хонандалар Тошпўлат Матжаримов, Хосила Раҳимова ижросидаги дилбар кўшиқлар байрамга кўтаринки кайфият бахш этди.

Байрам дастури доирасида Ёзувчилар уюмчаси фаолларининг навабдаги йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Йиғилишда Жамолдин Абдиев ва Асомиiddин Зиёматов Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзолигига қабул қилинди.

Шеърят байрамида Тошкент вилояти ҳоқими Мирзамашрап Куччиев иштирок этди.

Ўз ахборотимиз.


ҚАБОХАТ УНУТИЛМАЙДИ

Биз 50-йиллар қатагонларининг гувоҳи бўлган одамларимиз. Орадан ярим аср ўтган бўлса ҳам, тиг ярасининг ўрни битгани йўқ. Ўша жабр, ўша зулмининг маънавий зарбаси кейинги авлодлар бошига ҳам гурзи бўлиб тушган.

Шу боисдан ҳам биз Миллий Академик театр саҳнасида намоиш этилган Ўзбекистон халқ

шоири Шукрулло қаламига мансуб "Хасрат боғи" спектаклини қизиқиш томоша қилдик. Ўша давр юкидан қадди бўлиб қолган авлоднинг ҳолига ачиндик, бардошига қойил қолдик.

Хўш, ўтмишнинг оёқлар зарурми? Зарур! Негаки бу — тарихимиз. Қолаверса, бугунги адолатнинг қадрига етиш учун ҳам қабохатни қоралаб туриш лозим. Мавзунинг долзарбли-



ги шунда. Асосий ролларни ижро этган артистлар фожиани худди ўз бошларидан кечиргандек ўйнашди. Демак, миллий театримизда Аброр ака, Шукру ака, Олим Хўжаевлар бошлаган аъналар тирик экан. Томошабинни ҳайрат ва ҳаяжонга соладиган истеъдодлар бор экан! Ўшаларнинг қўлини олиб, бағримизга босгимиз келди.

Эҳтиром билан:

Умаржон АБДУСАЛОМОВ,
Абдулла ГАНИЕВ

КЎЧА ЭГАСИЗ ЭМАС

Уйдаи остона ҳатлаб ташқарига чиқасиз. Умримизнинг қанча соати кўчаларда ўтади, ҳаётимизнинг қанча қисми шу кўчалар билан боғлиқ. Кўчалар саранжом-сарийта бўлса бахри дилингиз очилади. Аммо баъзан шундайларига ҳам дуч келасизки...

Эримизсангиз, сахар чоғи ўзингиз яшайдиган мавзедан ишонангизга олиб борувчи йўлни кузатиб боринг. Шунчаки, эрмак учун. Ишончим комилки, кечқурун уйга қайтаётганингизда эрталабки озодаликдан асар ҳам қолмайди. Йўл четида уюлиб ётган ахлатлар, чиқиндиларга қўзингиз тушади. Кўчалар бунга қўниқиб ҳам кетишган. Гўё шундай бўлиши керакдек. Яхшиямки фаррошлар бор. Кўчаларимизнинг асл қиёфасини, тозаланиш ҳеч бўлмаганда тўрт маҳал қўриш насиб этади. Аммо улар ҳам

минг ҳаракат қилишмасин, кўп қаватли уйлarning балқонидан бутун шаҳарга намойиш қилинаётган ички қийимларни кўздан пана қилишга ёки дарвозалар, деворларга рангли буюк билан ёзиб-чиқиб ташланган номақбул сўзлару антиқа расмларни ўчириб ташлашга ожиздирлар.

Ачинарли жиҳати шундаки, ўзимизни бўлган ва фақат ўзимиз фойдаланадиган кўча-кўйга нисбатан жуда ҳам бепарвоимиз. Худдики кўча эгасиздай. Номасқул хатти-ҳаракатларимиз гоҳо ҳаддидан охиб кетади. Шу кўчадан ўзимиз юрамиз, болаларимиз юради, лекин уни асраб-авайлашимиз кераклиги, худди ўзимиз каби эътибор қаратишимиз лозимлиги ҳаётимизга ҳам келмайдик, совуққонлигимиз натижасида шаҳар юзига доғ тушираемиз.

Мухокама улуу мавзу

Бугунги кунда юртимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун эса нафақат тарихий обидалар, сўлим гўшаларни асраб-авайлаш, балки шаҳар-қишлоқларнинг ташқи қиёфаси, маҳаллар, кўчалар, йўлларимизни ҳам саришта сақламоғимиз зарур.

Кўчалар ҳақида гап кетар экан, катта-кичи йўллар хусусида ҳам тўхталиб ўтмасликнинг илоҳи йўқ. Остидан қувур ўтган йўлни қавлашганларнинг кўрганаси. Ўша қувурлар таъмирланиб ёки алмаштирилгандан сўнг, авваллари текис ва равои бўлган йўлда хунук бир "доғ" пайдо бўлади. Пойтахтнинг чеккарқоқ худудларида қавланган жойга шағал аралаш тупроқ тортса тортилади, бўлмаса ўша ҳам йўқ. Ёгин-гарчиликда ўнқир-ўнқир йўллардан лой кечиб юраверасиз. Қиш-қировли кунлар-

да "таъмир"ни яна бошидан бошлашга тўғри келади.

Кўчаларнинг чиройли кўринишида автобус бекатларининг аҳамияти катта. Кейинги пайтларда пойтахтимиз кўчаларидаги кўплаб бекатларнинг янгилини бораётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Йўловчилар учун яратилган қўлайликларни кўриб қўзингиз қувонади. Аммо чиройли, ойнавад бекатларни синдириб кетишганини кўриб ҳафсалангиз пир бўлади. Бундан қим қандай фойда курадио нима баракка топади? Тушунинг қийин.

Кўчага чиқдикми, энди биз кўча одамига айланамиз. Демак, хатти-ҳаракатимизга жавобгаримиз, ҳар қандам тартиб-қоидага амал қилишимизга тўғри келади. Чунки кўча ҳам ўйимиз, биз унда яшаёмиз, нафас оламиз. Шундай эмасми?

Жамшид МАТЁҚУБОВ

Давоми иккинчи бетда.


O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI —
MUNOSIBLARNI TANLASHADI

Tel: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05; Faks: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

Омон МУХТОР

ДАРАХЛАРГА ҚИМСАМ ХУШОМАД



ГУЗАЛИК

Азоб билан келган тушунча:
Сал муносиб
Хайти курмок.
Қанотларинг синиб-тушгунча
Ердан бир оз
баландда турмок.

Тортиш кучи Ерга хос хислат,
Тортиб кетар
Йул берсанг, паства.
Хар қадамда қидирсанг узлат, —
Айлансан
Гурбатпараста.

Бизга ёт бир дунёда эмас,
Шу дунёда
Ёзуз ва эзгу.
Ниқматсанг, ниятга эвас
Аждодлардан етган
Кучдир бу!

Биламиз,
Синнинг мангулик томон —
Тирик пайтидаёқ йул олганини.
Бир қисм асарин таниса жаҳон, —
Бир қисми кўп ўтмай,
йўқолганини.

Бу ишга диққатни бир оз қаратса,
Хатто боланинг ҳам етади ақли —
Ким азият чекиб небор яратса,
Унинг яратгани
янаша ҳақли.

Лекин биз бир умр йиғиб ўз мулкин —
Асрашга топанмиз
на куч, на ҳолат.
Шундан, маърифатга ёнма-ён, мумкин
Баъзан устимиздан кулаган
жаҳолат.

Эшик очиб, Дераза очиб,
Ҳеч ким ҳалал бермайди елга.
Чор атрофга гўзаллик сочиқ,
Сен гўзаллик излайсан. Телба.

Йўлга чиқса, олам бепоён,
Кўзинг тушар сул каби элга.

Ҳаммаёқда гўзаллик шоён,
Сен гўзаллик излайсан. Телба.

Умринг ўтар шу кўйда, наҳот,
Юрган каби тик қараб селга.
Изагандек дунёга наҳот, —
Сен гўзаллик излайсан. Телба.

МАЖНУНЛИК

Бу дарахтлар қандай хушқомад!
Биз Лайли, деб
Турар ҳовлида.
Мен уларга қилсам хушомад
Айб эмасдир.
Ошиқ ҳолида.

Билмагандан ошиқлик дардин,
Қанча қалблар дунёда яхлар.
Мен оландан мажнунлик дарсин,
Лайли бўлиди
Ногоҳ дарахтлар.

Улар билан, аввалдан куюқ
Хайтима кирди интиқлик.
Энди яшар менда бир "буюқ"
Талабчанлик, дейми,
"Инжиқлик".

Бу дунёда камдир мажнунлик,
Ҳайт баъзан
бирорек куюлар.
Менга шундан, ортиқ мамнунлик
Уятсизлик бўлиб
Туялар.

Ўз-ўзини эмас,
одатда,
Бировни деб севаги тугилар.
Йўлларда дуч келган офатда —
Асраниши керак
Туйгулар.

Йўқ ҳеч бир сўз. Йўқ ҳеч нидо.
Ортиқча ранг ё жимжима.
Сизга жоним фидо-фидо,
Бу ҳолатнинг исми нима?

Эски дунё, ахир, қимлар
Ичмаганлар бу бодани?!
Не қиларди, зўр ҳақимлар
Бир кўрсалар мен-соддани.

Бош айланди. Қўзим тинди,
Севиб қилган хатойимдан.
Шафқат сиздан, лекин энди
Ёлғиз паноҳ Худойимдан.

Келсангиз-чи эртароқ,
Ҳар дам йўлда қурмай дор.
Сиздан кўра эрароқ,
Сиздан яхшироқ ким бор?!

Севаги деган туйғудан
Шартми аламга ботиши?!
Унинг иши уйқудан —
Одамларни уйғотиши.

Ким ёнгами ё қуйса, гўзал ёри учундир,
Бағрида талотумли ҳайт бори учундир.

Умрингдаги минг дарду алам
гарчи муҳаббат,
У бўлмаса, кўзинг қораяр, дори учундир.

Тонг кушлари сайрар гулу
боғ устида бадмаст,
Ошиқ аталар поласи ҳам зори учундир.

Эй Шарқ, сенки "Чўли Ироқ",
дейми "Муножот",
Дунё тирилар кўксига торч учундир.
Ёрингни таниб, севаги Омонликда
ҳайти —
Хаттоки, унинг ёмғиршо қори учундир.

Алишер Навоий Ғазалига мухаммас

Оғам Анвар Юнусга
Гарчи кўлаам олдида ёмғир,
шамол ўлди яна,
Гарчи умрининг бутун мулки
хайл ўлди яна,

Гарчи дунё қайтадан менга
саево ўлди яна —
Бода тут, соқийки, айёми
висол ўлди яна,
Даст берди шодлик, гам поймон ўлди яна.

Мен эдим банди-асир келган
алам давриндаким,
Рухи йўқ, қўлдан тўшиб кетган
қалам давриндаким,
Кўча-кўйда судралиб юрган
танам давриндаким —

Май мудом ич, ул лаби майғун
санам давриндаким,
Зухд ила тақво ҳаром-у, май
ҳалол ўлди яна.

Ул санамнинг излари жонга
даво бўлгон учун,
Айтгану айтмас сўзи кўнгида
жо бўлгон учун,
Неки қисмат ёзмасин, бори
раво бўлгон учун —

Ғамза бирла кўзлари айни
бало бўлгон учун,
Ушбу маънига паршион,
зулфи дол ўлди яна.

Учраган ҳар кимсага дардин
ёриб эрди кўнгул,
Парча-парча ажралиб, бундан
ҳориб эрди кўнгул,
Оқибат кўнганни топиб, ўзини
қориб эрди кўнгул —

Хўблар кўйига сайр айлар
бориб эрди кўнгул,
Кеч келурда анга, билмон,
ким завола ўлди яна.

Сен омонлик истаган, англа,
муҳаббат номи дил,
Бўлмағай дил сенга ром, сен
бўлмагунча роми дил,
Келдим бахт ногаҳон,
келган нафасда шони дил —
То лаби жонбахшидин топиб
Навоий коми дил,
Эй ажал, ўлмак анга асру
маҳол ўлди яна.

НАЗАРМАТ

Маъмур академиясизнинг минг йиллигига



Она юртим, қадим элим илҳомим жўшиб,
Миярифатли ўтмишнинг битгим қасида,
Қўлга олсам Хоразмининг хокин тиз чўкиб,
Ҳайратларнинг салтанати экан аслида.

Аён эрур элнинг тарих, илму ҳикмати,
Варақлари ечылмайин қолган замонлар,
Унут бўлмас битиклари, ёзиқ заҳмати,
Улар мерос бўлиб элга қадим эҳсонлар.

Ёдгор Шайхул Нақибанду ал-Фарғонийдан
Фан оламин нур йўлига чароғон китоб,
Буюк ипак йўли ўтган эл жаҳонидан,
Ёзиқлари авлодларга бўлган сарҳисоб.

Самарқанддай, Бухородай қадимий диёр,
Фарзандлари илм кўшига бўлганлар устун,
Хива, Урганч доноларин илми устувор,
Ал-Хоразмий жабри китоб кенг дунё учун.

Замашарий ҳам шайх Қубро даҳо биз учун,
Ўзин Ватан, дунё учун фидо этганлар,
Тарих сақлар нигоҳида кўрганни бутун,
Кашф йўллари изланишда давом этганлар.

Қадмалайди алломалар зиё йўлидан,
Асрларнинг қаридан биз бормиз дегайлар,
Олам учун мангу нуру қудрат илмидан,
Янги кўши бўлиб элга ярақ-эттайлар.

"Байтул ҳикма", "Маъмур"ларнинг эҳсони зиё,
Улар дунё ҳикमतларин сўмас нигоҳи,
Варақларин саҳифалар уммондир гўё,
Башар мулкин ёритгуси мунавар руҳи.

Аму каби мангу жўшқин Ватан ирфонин,
Биз билгану ҳам билмаган донолари кўп,
Она элим бўлган талаш, жанглар майдонин,
Тафаккурлар йўлин тўсган қўмлар уюлиб...

Хоразмин дерлар қадим Ховари замин,
Шарқдан чиққан куёш каби нурафшон диёр,
Улар ҳикмат бобода у кўрсатган азмин,
Қад кўтариб энди Фанлар Академияси бор.

Эшитилди. Эшик тамбаламаган
булса керак, тўғри боққа ўтди ва у
ердан унинг тез-тез гапирётгани
эшитила бошлади.

— Кимико, Кимико, паства туш!
Кэнкичи келди, — баланд овозда ча-
қирди оёиси.

Қиз шоганича игнани ипдан
олди-да, ёстиқчага санчди.

— Кэнкичи, фронтга жўнағунингиз-
га қадар сиз билан учрашувга рози-
лик беришимни сўрайвериб Кимико
ҳол-жонимга кўймади, ёнингизга бо-
риши нуқолай бўлди, ўзингиз эса бир
келиб кетишга вақт топмадингиз.

Қани, қиринг, қира қолинг, — ялинар-
ди оёиси.

У Кэнкичининг узокроқ қолишини
хоҳларди, бироқ тушилик қилишини так-
лиф этди, лекин Кэнкичи, афтидан,
жуда шошилларди.

— Афсус... — деди бўшашиб оёи-
си. — Унда, ҳеч қурса, мана бу анор-
дан ёб кўринг. Ўз боғимиздан.

АҶОП

Оёиси Кимикони яна чорлади.
Қиз зинаполярдан тушиб келгун-
га қадар Кэнкичи ундан кўз узмади.
Нигоҳида шунчалар бесабрлик бор
эдики, Кимико чалишиб кетишига оз
қолди, сўнгги зиналарини зўра босиб
тушди.

Кэнкичининг кўзлари яшнаб кетди.
Қўллари титради ва анорни тушириб
юборди.

Нигоҳлари бир лаҳза тўқнашди, ик-
каласининг ҳам лабларига табассум
инди. Кимиконинг яноқлари қизарди.
Кэнкичи шовилчин ўрнидан кўзгалди.
— Узингни эҳтиёт қил, Кимико! —
деди у.

— Сиз ҳам, Кэнкичи, — шивирлади
Кимико, лекин бу пайт йигит оёиси
томон ўгирилган ва хайр-қўшлашаёт-
ган эди.

Кэнкичи кетди, Кимико бўлса яна
анча вақт эшик томон қарай турди.
— Нега бунча шошилмаса бу Кэн-
кичи? Ҳатто шундай ажайиб анорни
ҳам татиб кўрмади-я. Бу қақасаки
бўлди? — деди оёиси. У айвон кир-

расига эгилди-да, қўлини узатиб,
ерда ётган анорни олди.

Кэнкичининг кўзларида ёш мил-
тилаганини Кимико сезган вақтда у
анорни иккига бўлмоқчи бўлиб нуқо-
лай ҳаракат қилган ва уни ерга туши-
риб юборган эди. Анор ерга тушди,
лекин ёрилмади.

Оёиси анорни ювиб, айвонга олиб
кетди.

— Ол, Кимико, — мевани қизига
узатди у.

— У ифлос-ку, ахир, — ортага тис-
лан норозилик билдирди қиз. Сўнг
бирдан қип-қизариб кетди-да, шоша-
пиша қўлини чўзди.

Анорнинг ёрилган жойини, чамаси,
Кэнкичи тишлаб улгурган эди.

Оёиси ёнида тураркан, анордан
воз кечини беадаблик деб билди.
Ўзини лоқайб кўрсатган бўлиб мевани
лабига теккизди. Оғзи нордон
таъмин тўйди. Шира ич-ичига қириб
боргандай ва унинг қувончли туйгу-
ларига армон қўлкаси соя таш-
лагандай бўлди.

Оёиси Кимиконинг ҳолатини
сезмади ва айвонни хотир-
жам тарк этди.

Кўзгу ёнидан ўтаётиб, ўзига
қараб кўрқиб кетди.

— Вой, ранг-рўйим курсин!
— хитоб қилди у. — Сочини тара-
май шу ҳолда Кэнкичини кузатибман.
Яхши бўлмади!

Кўзгу олдида ўтириб сочига тароқ
солди.

— Отанг оламдан ўтганда, — оҳис-
та сўзлади оёиси, — мен узок вақт
сочини тарашга кўрқиб юрдим...
Тароқ сочимга тегди, дегунча беих-
тиёр ўйга чўмар, ўтмишни эслаб ке-
тардим. Худди даданг ёнимда-ю, соч
тарашдан тўхташнинг кутиб турган-
дай туюларди. Қўрққанымдан қалти-
раб кетардим.

Оёисида отасидан қолган овқатни
ёб қўйиб одати бўлган Кимиконинг
эсига тушди.

Уни бирдан ўтмишни қайтариб
бўлмайди, деган туйғу чулғаб олди,
айни чоғда шундай бахт-саодатни ҳис
этдики, кўзларидан ёш қалқиди.

Бирор нарса исроф бўлишига оёи-
си тоқат қилолмас эди. Отасидан қо-
либ таомини ёб, тозалаб қўйиш одати
ҳам шундан. Кэнкичи оёисини эп
кўрмаган анорни ёб қўйишини Кими-
кодан сўрагани боиси ҳам шу
бўлса керак.

Кутилмаганда туйган пин-
ҳона шодмонлиги учун Кими-
ко оёиси олдида ўзини нуқо-
лай ҳис этди.
Лекин ҳавлидан ҳеч нарсани
кечирмаган Кэнкичи билан
хайрлашаётиб қалбини тўлдир-
ган ҳис-ҳаяжондан беҳад бах-
тиёр эди ва ҳавлан йўлади:
унинг қайтишини бир умр кут-
тишга қодирман.

НУРЛИ ЙўЛЛАР

Элда бутун мавжуд маъруф шамси нуркамол,
Бир муаззам янги дунё унда намён,
Унга қудрат бағишлайди буюк Истиқлол,
Ёзғум дилдан фахрим ила васфига дoston.

Мен кўраман Берунийнинг даргоҳин унда,
Қучиб ўтар сочларини Аму экинни,
Қўрар элин фан дунёсин мавжли тўлқинда,
Ёзиқларин варақлайди заррин елпини.

Ёдгу бўлиб борар Маъмур дунё йўлида,
Мангу ҳайт максаида очган меҳрини,
Саксовуллар қовжираб чўл ўпгу сўлида,
Наҳот истаб титқиланган қўмлар бағрини.

Эшитилар кўнгираклар жарангоҳлари,
Қўнқ сочиб, олға шошган нортўялари,
Бордир ҳали очилмаган сахро, чоҳлари,
Ҳиммат қутар шивирлаган қумтепалари.

Диёр Меҳри очилади фарзанд дилида,
Иби Сано борур дўсти Беруний томон,
Улар умри, шифо йўли кезар илмида,
Бирлаштирган икки дўстини она ер, имон.

Тўрт фаслдан бино айлаб гулдаста йиллар,
Қўрар тийёх лаблариди шифобахш учқун,
Сано пойин қучиб минг бор баҳмал манзиллар,
Излаганинг дори-дармон дер бизда тўқин.

Қўлга олса кўкатларни тилга қирар гул,
Қудратиндан бу неъмат деб заминни ўйлар,
Дори-дармон элда даяр унган ҳосил мўл,
Ривож истаб, гулларини давога йўллар.

Фасл боши ва охири унумли ҳардам,
Бирни унуб, бири эса ҳосилин увор,
Ҳар фаслнинг ўз гули бор, етилув кўркам,
Шарбатлари мавсум ўтса қоққа айланур.

Гунча унуб вақтни етса чиройга тўлган,
Ҳосиятга чиройи-ла элга гул бўлган,
У гулларин Маъмур кўрган турли элларда,
Сўнин билмай давом этган мангу йўлларда.

"Ас-сайдана" "Шифо" билан қўл тутган азал,
Ул Беруний ҳам Синодан шифобахш эҳсон,
Бу китоблар жаҳон фахри-охири аввал,
Улар соғлом ҳайт учун буюк армуғон.

Ёдгу бўлиб борар Маъмур дунё йўлида,
Минг ёш тўйин нишонларан она элда,
Улар Ватан, дунё учун фидо бўлганлар,
Абадият оламида абад қолганлар.

Жаҳон адабиёти дурдоналари

**Истиқлол шарофати билан ўғлимиз бир йил Японияга бориб иш-
лаб, ўзи билан кунчиқар мамлакат ҳаёти, одамлари, табиати, урф-
одатлари ақс эттирилган бир қанча китоб, ўттизтача видеотасма
олиб қайтди. Оламиз аъзолари япон адабиёти билан кўпроқ
"огридик" — меҳр-ихлосимиз ошди. Уларнинг баъзиларини, хус-
усан, Нобел мукофоти совриндори Кавабата ҳикояларини ўғли-
миз ўзбекчага ўғирди. Эркинлик, Гўзаллик орқали Ҳақиқатга ин-
тилиш, инсон ва табиат уйғунлигини тараннум этиш Кавабата ижо-
дининг моҳиятини ташкил этади. Бу адабининг "Анор", "Қизил ол-
хўри", "Лимон", "Бамбук овози, шафтоли гули", "Сайка", "Юрак"
каби қафтак ҳикоялари-ю, софлик, хотиржамлик, эҳтиромни
улуғловчи "Минг қанотли турна" кинессасидан тортиб, "Япония
гўзаллигини яраган", "Нафосатнинг кашф этилиши" сарлавҳа-
ли маърузаларига хос бўлган фазилатлардир.**

Сайди УМИРОВ

Бечорани кўришга қанчалик интиқ
бўлаётганимизни кўз олдимга келтирай-
ман, — деб гап бошлади қайнонаси
уни марҳума хотини ётган хонага шоша-
пиша қўлар экан. — Мана, қараңг,
ўлим уни қандай кўйга солди, — дея
майтининг юзига ёпилган оқ ёпинчик-
ни очишга тутинди.

Бирок кўёви кутилмаганда унинг
қўлини тўсди:
— Бир зум шошманг. Унинг юзини
ёлғиз кўрсам, дегандим. У билан холи
колсам майлими?

Унинг сўзлари хонани тўлдириб ўтир-
ган қариндошла-
рга бирмунча
эриш туюлди.

Улар бир
сўз демай
хонадан
чиқишди
ва орқаларидан шёжини* суриб қўйиш-
ди.

У оқ ёпинчикни бир четидан кўтариб
очди.
Аёлнинг жонсиз юзида ғам-қулфат
ифодаси зоҳир эди. Қуриёган лунж-
лари осилиб қолган, ярим очик оғзидан
саргайган тишлари туртиб чиқиб турар-
ди. Папироз қоғозиди ояқ қовоқлари
кўз соққасига ёпиштирилгандай бўлиб
кўринарди. Пешанасидида бўртиб чиқ-
қан томилари у чеккан азоб-уқубатлар-
дан дарак берарди.

Эри қимирлашга ҳам юраги бетламай
марҳуманинг адо бўлган ва аламидида
юзига боққанча узок ўтирди. Кейин
ўрнидан туриб, майитга яқин келди ва



*Шёжин — японлар хонадонида сури-
ладиган эшик.

Хикоя

Кузининг шамолли тунида анор да-
рахти барглари тўқилиб чиқди. Барг-
лар дарахт танаси атрофида тоза ер
қолдириб доира ясаган эди.

Дераза тавақларини очган Кими-
ко анорнинг яланғоч шоҳларига
ажабланиб боқди. Барглари айлана
бўлиб тўқилгани, шамол уларни хар
тарофга сочиб юбормагани ҳам унга
ғалати туюлди.

Дарахт тепасидаги биргина анор-
га кўзи тушди.

— Ойижон, қара, қандай ажайиб
анор! — ҳаяжонини яшира ол-
май деди Кимико.

— Чиндан ҳам... Мен бўлсам
уни унутган эканман. Оёиси да-
рахтга қаради-ю, дар-
ҳол ошхонага қараб
кетди.

"Мен бўлсам уни
унутган эканман". Оёисини
унинг бу сўзлари Кимикога
уларнинг нақадар ёлғиз
эканлигини эслатди. Очик айвон
рўпарасидаги дарахтда анор пишиб
етилса-ю, ҳатто шу ҳам ёлларидан
кўтарилган бўлса, уларнинг турму-
ши қай аҳволда бўлиши мумкин,
ахир.

Ярим ойча бўлди, жияни меҳмонга
келган эди. У анорга кўзи тушган за-
ҳотиёқ дарахтга осилди. Тап тортайиб
дарахт танасига тиришиб чиқётган
етти ярақ болакайга Кимико сархуш
боқди.

— Энг тепасида яна битта каттаси
бор! — шодон қичқирди у.

— Кўряпман, — деди бола, — уни
узасам тушолмай қоламан-да.

"Чиндан ҳам, икки кўлида анор
бўлса, қандай тушади", ўйлади Ки-
мико ва кулиб қўйди. Ажайиб бола-
да!


Бу болакай келмаганида улар
анорни бутунлай унуттирган экан.
Шундан кейин оёиси ва Кимико бу-
гун эрталабча анор ҳақида
умуман эслашмаганди.



Абдувоҳид УМИРОВ
таржималари

“БАХТИМ ШУА ~

ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН...”



XX аср миллий адабиётимизни шоира Зулфиянинг номи...

Эъозлар, ардоғлар учун ташаккур, Асли Сиз ортобим, мен зиёсиман. Тонларингиз қулсан дориломон, хур, Бахтим шул — ўзбекининг Зулфиясиман.

ЗУЛФИЯ ҚАПИРА Кўздан, сўздан, қўллардан узок Буюк сенга тўлар элик ёш.

Даркор эмас на' пойка, на тўр, Катрага барг ҳам, коса ҳам жой...

Файласуфлар шоирлик мақомини реал ҳаётдан ташқари чикиш аъмоли сифатида баҳолаганлар.

хун оққач ажаб йўқ кўзларимга тўлса ашқ! Бағрим дард ёққан ажаб йўқ кўзларимга тўлса ашқ! Бахт қанор қочқан ажаб йўқ кўзларимга тўлса ашқ!

Юзга боққач ажаб йўқ кўзларимга тўлса ашқ, кўзларимга тўлса ашқ, кўзларимга тўлса ашқ, кўзларимга тўлса ашқ.

Саёз талқин ҳеч қачон наф келтирмаган. Саёз талқин — сўз увели. Бобур Бобомуроднинг номи юқорида зикр қилинган китоби Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида 3000 нусxada босилган.

Шу кунларда 80-85 ёшни қоралаган атоқли адабларимизни кўрганамда, бундан ярим аср муқаддам зур тантана билан нишонланган икки унутулмас воқеа — Гафур Фулом ва Ойбек домлаларнинг 50 йиллиги хотирамга келади.

Ушқуннинг ағлаш истаги билан бошланган. Қисса жанрида тажриба орттириб, қаламини чархлаб олган Мақсуд Қориев ҳам ана шу ижодий жараёндан четда қолмади.

ИЖОДИНИНГ ОЙДИН КЕЧАДАРИ



Мақсуд ҚОРИЕВ ҳамкасблари даврасида.

булди. Широк, Тўмарислар тарихий саҳифаларда абадул-абад халқ қаҳрамони сифатида қолдилар.

Халқимиз тарихининг 90-йилларда бошланган муваққатлиқ даври ёзувчилар ва тарихчи олимлар олдида гоёт муҳим вазифаларни қўйди.

САЁЗ ТАЛҚИН — СЎЗ ЗАВОЛИ

«Ингит бошим увелига бўламадинг, оҳ», «Нечун мунча вафосизлик йўлини тутдинг», «Орзу каби хонумини парчалаб кетдинг»...

Театр санъатида «сахна орти кишилари» деган ибора бор. Бунда аксарият спектаклнинг дунёга келишида бевосита иштирок этган, баъзан асосий вазифини бажарса-да, сахнада кўринмайдиган ижодкорлар — драматург, режиссёр, роллар, бастакор, сахна ишчилари назарда тутилди.

Назаримда, созандалар ҳам қисман ана шундай ижодкорларга ўхшаб кетдилар. Қисман деганимизга сабаб, созандалар сахнада, экранда хонанда билан бирга кўринадилар, лекин биз кўлда уларга эътибор бермаймиз. Аслида яхши кўшиқнинг дунёга келишида кўйнинг, куй ижросининг ҳам катта ҳиссаси бор. Айниқса, миллий созларимиз аксарият жамоалар, кўпроқ эстрада гуруҳлари тарихида кўринмай кўриладиган бир вақтда яхши созандалар янада қадри бўлиб бораётган. Миллий чоғуларимизда маҳорат билан ижод қилаётган, касбини ардоқлаб, муҳлислар олқишига сазовор бўлаётган созандалар орасида сизга таништирмакчи бўлганимиз Набижон Зиёевнинг ҳам ўз ўрни бор.

Ушрашув

Эхтимол, бу номнинг ўзи сизга ҳеч нимани аңлатмагандир. Чунки концерт дастурларида бошқа созандалар каби унинг номи ҳам деярли айтилмайди. Лекин таниқил хонанда Матлуба Дадабоёвнинг чет эллардаги чиқишларида воқиф муҳлислар хамиша санъаткорнинг чиқишларига жўр бўлиб турувчи истараси иссиқ, кўзларидан нур ёғилиб турадиган Набижон Зиёевнинг қиёфасини эслашлари турган гап.



Бундан ташқари, сиз уни мақомчилар ансамблининг чиқишларида ҳам кўргансиз, санъатидан баҳраманд бўлгансиз.

Кўп йиллардан буён санъат аҳли суҳбатидан баҳраманд бўлиб, ўзим учун бир нарсани кашф қилдим. Аксарият санъаткорларнинг ота-онаси ё қариндош-уруғлари санъатга алоқадор бўлади ёхуд онаси дутор чертиб

қўшиқ айтадиган дилбар, ўқимишли, зукко аёл бўлиб чиқади. Набижон ақининг онаси ҳам ана шундай оқила аёллардан бўлиб, дутор чертиб, қўшиқ айтган экан. Ҳа «сут билан кирган» деган ибора бежиз айтилмаган-да. Ҳаммамиз онамизда бор хислату фазилатлардан ўзимизга аталганини оламиз. Кимга нима аталгани Аллоҳга аён. Набижонга онасидан санъатга иштиёқ юкди. Дастлаб Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида рубоб синфини битирди. Меҳнат фаолиятини туман маданият уйида созандаликдан бошлади. Кейин «Шодлик» ансамблида ишлади. Бадий раҳбар Ҳакимжон Нишоновнинг маслаҳатларига таяниб, бу даргоҳда ўн икки йил меҳнат қилди. Орада ўз созини чалишга ишқи тушди ва уни астойдил ўрганишга киришди. Бундан ташқари, пиано ва аккордеон чалишни ҳам билади. Хуллас, ноёб созлардан бўлган уд чалишга муҳаббат 1982 йили унинг мақомчилар ансамблига ишга ўтишига сабаб бўлди. Бундайлар у қадар кўп эмасди, ҳозир ҳам удни маромига етказиб сайратадиган созандалар кам. Бунинг сабабини сўраганимизда, Набижон ака шундай деди: «Уд чалиш аниқ мураккаб иш, кўп меҳнати, сабр-тоқатни талаб этади. Мен илгаридан қизиқиб, чалиб юрганым учун, бу созини яхшилаб ўзлаштириб олишим унча қийин кечмади. Уша пайтда мақомчиларга айнан уд созандаси керак бўлгани ҳам меннинг омадим».

Хуллас, ўшандан буён Н.Зиёев мақомчилар ансамблида ишлаб келади. 1989 йили Жазирида ўтган халқаро фольклор фестивалида ансамбл билан биргалликда катнашгани ҳамон эслаб юради. Ушанда созандалар қатнашчилар ва томошабинлар талаб билан битта «Насруллоий» куйини ўз марта чалиб бергандилар. Кейин Хиндистон, Венгрия, Болгария, Польша каби мамлакат



ларда миллий мусикаларимизни кенг тартиб эътиб қайтишди. Асосий чет эл сафарлари Мусонандалар бу созлардан нима учун фойдаланмаётганларини ўйлаб хайрон қоламан. «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганлари шу бўлса керак-да.

ОҶАНГЛАР ОҶУШИДА

Чет эллик муҳлислар доира, най, сурнай, ғижжак каби миллий созларимиздан таралаётган садоларни шундай берилиб тинглашадикки, ўзимиздаги кўплаб эстрада гуруҳлари ва хонандалар бу созлардан нима учун фойдаланмаётганларини ўйлаб хайрон қоламан.

Бир вақтлар эл орасида машҳур бўлган «Кўчалар» кўшигини ғижжак, рубоб, доирага мослаштириб, қайта ишлаганимиз. Ана шу кўшиқни Матлуба Дадабоёева айтаётган одамлар кўзларида ёш билан тингланганларининг гувоҳи бўлдим.

Ана шундай воқеалардан хулоса қилиб айтмакчи, ёшларимиз, барибир, миллий оҳангларимиз ичига кўчур кириб боришлари, ҳеч бўлмаганда маком алийфосидан хабардор бўлишлари керак. Кекса санъаткорларимиз ҳақидаги ибратли хотираларнинг мағзини қақишга, бугун ҳаёт бўлган миллий мусикамиз билимдонларидан нимадир олиб қилишга ҳаракат қилишлари зарур. Ахир, Тамирқоним, Қомилжон Отаманов, Гаҳар Раҳимов, Муҳаммадҷон Мирзаев каби санъаткорларнинг ҳар бири ўзбек мусиқа санъатининг гавҳари эдилар. Улардаги инсонийлик, бағрикенглик, фидойилик, улугулик билан айнаи вақтда соддалик фазилатлари ҳаммамиз учун ўрнак бўлиши керак.

Набижон Зиёевнинг ўзи бутун ижодий фаолияти давомида ана шу айтганларига амал қилиб келаяпти. Ансамблдаги самарали фаолиятидан ташқари ўттиздан ортук уйда чалган куйлари бор. Булар асосан мақомларнинг мушқикот қисмларидан бўлиб, шунингдек, Абдуҳшомид Исmoilовнинг «Нарғиз», Аҳмадҷон Дадаевнинг «Баҳор» каби замонавий куйларидир. Созанда бугунги кунда репертуарини бойитиш йўлида жиддий изланыпти.

Режада эса Франция сафари ҳамда Швецияда ўтадиган «Олтин кўч» фестивали турибди. Демак, изланишлар, ўзбек миллий куйларининг дунё бўйлаб янграши давом этади. **Г.УМАРОВА**

«ҚАЙТИШ»

қилиб юрганини ёки учинчи йигит (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳрило Раҳимов) бегубор ёшлик ва болалик

Шакдимот

даврларини кўз олдига келтираётганини кўрамиз. Бу уч йигитнинг феъл-атвори турлича, уларнинг руҳий олами ва ҳолати қарама-қаршиликларга бой. Улар бу тўдага бир мақсадда тушиб қолган бўлсалар-да, ора-ларидики зиддият ҳар дақиқда сезилиб туради. Шунинг учун у ҳақрамон (Х.Қамол, И.Султонов, Б.Раҳимовлар) бир-бирига яқинлашмасдан, узоқдан туриб суҳбатлашадилар. Гўё сахна уч қисмага бўлингандай, улар бир-бирларидан узоқ қитъаларда, ўзлари қазиб қўйган чўқур ва совуқ жарликларда яшайдилар. Лекин ҳаммасини битта мовий осмон ва ярқираб турган юлдузлар бирлаштириб тургандай. Зеро, улар шу юлдузларга интилиб яшайдилар. Бу ердан учиб кетиш йўлини ахтардилар. Афсус, бу ердан учиб кетишнинг ўзи бўлмас экан. Бу орзуни, бу интилишни, айниқса, иккинчи ҳақрамон — И.Султонов ишонarli очиб беради. Бор маҳоратини ишга солган актёр томошабинни ўз қахрамонига яқинлаштириб, дўстлаштириб олади.

хон Ҳакимов) рамзий маънода нафақат сахна, балки бутун ер кўрасини қучқолаб тургандек кўринади. Онанинг йигитларини ўз юртига қорловчи сўзлари томошабинни чўқур ҳаяжонга солади. Она кўзёши билан эмас, балки юрт, Ватан дарди билан ёшларни бу қингир ва фожи али ишлардан қайтаришга ҳаракат қилади. Манқуртларга, йирткич ҳайонларга айланаётган йигитлар аста-секин Она томон қаддам ташлайдилар...

Драматург Раваҳан Ериёвнинг «Қайтиш» асарини қучқорувчи қўлдан йироқ. Спектакл томошабин диққатини бир дақиқа ҳам бушаштирмай, ушлаб туради. Биз томоша давомида сахнада кечаятган воқеаларни ички туйғуларимиз билан «ўқишга» интиламиз, асарнинг фалсафий мағзини қақишга шошиламиз. Асарда драма, мусиқа, хореография ва тасвирий санъат каби

лиги муносабати билан республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилиниб, тасдиқланган кўрак нишонини ишлади. Уч жил — олтин, кумуш, бронзадан тайёрланган «Соғлом авлод» ордени ҳам С.Шарипов томонидан яратилган. Тошкентдаги Санъат музейида ишланган даври ижодкор фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Варахша худудидан топилган қадимги ҳайкалтарошлик ишлари бўлакари асосида яхлит ҳайкаллар яратилган. Бир йилдан сўнг талабалар сафидан ўрин олган С.Шарипов Александр Л. Вячеслав Шевченко, Тўлаған Тожихўжаев каби моҳир педагоглар қўлида ўқиди. Ф.Гришченко, П.Челишев каби ҳайкалтарош усталардан маслаҳатлар олди.

Уқини битириб, Тошкентдаги «Рассом» комбинатида ишлади. Асосан бог ва хиёбонлар ҳайкалтарошлиги бўйича иш оlib борди. Машҳур рассом Баҳодир Жалолов билан бирга «Туркистон» саройи орқа фасадида туркум амалий ҳайкалтарошлик рельефларини яратди, шунингдек собиқ марказий бозор худудига Болалар шаҳарчасини бунёд этишда қатнашди. С.Шарипов дастлабки медалларини 1987 йилдан кўргазмаларда намойиш қила бошлади. Ўзбекистон мустақиллигининг бир йил-

тўртта санъат тури битта муаммонининг ечимини топишга хизмат қилган. Режиссёр Исқандар Султонов, мусиқа муаллифи Вероника Саитова, балетмейстер Альбер Мамлеев ва устоз рассом, Ўзбекистон санъат арбоби Даврон Сафаровлар нафақат асар госянини, балки барча қахрамонларнинг ички оламини, қалбларига кенаятган қарама-қарши ҳис-туйғулар тўқнашувини очинида катта меҳнат қилган. Бу ижодий бирдамликни сахна безакларида, рассомнинг ранг-баранг бўёқларида, сахнада у яратган оламининг, яъни ер кўрасининг «нафас» олишида, мусикаларнинг тўқнашиб-талашиб туришида, ниҳоят, эзгулик ва ёвузлик қучларининг (балет артистлари) доимий курашини сахнада ўрнатилган ҳаёт тарозиси белгилаб туришида кўрамиз.

Мухими шундаки, театр жамоаси энг долзарб мавзудаги асарни сахнага олиб чиқиб, ёшлар онгига муҳим туйғуларни сингдиришга ҳаракат қилганлар.



Аҳмадҷон РАХИМОВ, санъатшунос

рида ҳайкалтарошлик ва хаттотлик санъатининг қўламдорлиги кўзга ташланади. 2001 йили ўтган биринчи шахсий кўргазмасида С.Шарипов пласттик асарларини намойиш этди. Машҳур ўзбек графиги, қадимги шарҳ ёзма манбалари асосида белгилар тизимини яратган Энгел Исҳоқов С.Шариповнинг мутлақо янги ижодий изланишларига яхши баҳо берди. Унинг фикрича, «Аллоҳ» сўзининг куб шаклида кенг ҳажмадаги пласттик ечимни жуда катта ижодий ютуқдир.

Ижодкор «Аллоҳ» сўзининг композиция ва пласттик ечимни бўйича турлича бўлган бир неча нусхасини ишлади. Асар қадимги «хуфий» ёзуви услубларида бажарилинган. С.Шарипов бог-хиёбонлар ҳайкалтарошлиғи, портрет жанрларида ҳам диққатга сазовор асарлар яратди. Саидолим Шарипов ёрқин миллий характердаги асарлар яратишга моҳир ҳайкалтарош ва моделердир. Саидолимнинг бугунги ўзига тўқ хунарманда-дуррадор бўлиб, уй қуради, мебеллар ясаб, устулларни турли нақшлар билан безарди, айни вақтда шёнлар маш қилиб турарди. Болболари ҳам дин пешволаридан бўлган ва нарса Саидолим ижода ҳам таъсир этган. Бугунги кунда С.Шарипов

«ҚАЛДИРҶОЧ»НИНГ НАРВОЗИ

Болалиқда кўрган-кечирганларимиз ширин хотира бўлиб, умримиз давомида биз билан ёнма-ён яшайди. Айниқса, болалиқда хайрат уйғотган томошалар кейинчалик оддий ҳодисаларга айланиб қолади. Хуллас болалиқ — болалиқда: ўшанда чўмилган сойларимиз дарё бўлиб туюлган бўлса, кейинчалик улар ариқча бўлиб кўринадилар.

Биз болалигимизда ёнма-ён тилини интизорлик билан кутардик. Чунки ҳар йили кўча цирк жамоалари бирин-кетин келиб, катта, ям-яшил стадионда бир-биридан қизиқарли томошалар кўрсатишарди. Айниқса, майдонга ўрнатилган дорбозларнинг арқони жуда баян кўринар, хайратдан хабардор бўлишлари керак. Кекса санъаткорларимиз ҳақидаги ибратли хотираларнинг мағзини қақишга, бугун ҳаёт бўлган миллий мусикамиз билимдонларидан нимадир олиб қилишга ҳаракат қилишлари зарур. Ахир, Тамирқоним, Қомилжон Отаманов, Гаҳар Раҳимов, Муҳаммадҷон Мирзаев каби санъаткорларнинг ҳар бири ўзбек мусиқа санъатининг гавҳари эдилар. Улардаги инсонийлик, бағрикенглик, фидойилик, улугулик билан айнаи вақтда соддалик фазилатлари ҳаммамиз учун ўрнак бўлиши керак.

изланишлари тўғрисида «Қалдирғоч» кундан-кунга репертуарини тақомиллаштириб, муҳлислар ортириб борди. Жамоа ўзининг ранг-баранг томошалари билан республикамиз миқёсида ўтказилган танловларда иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгалладилар. «Қалдирғоч» мамлакатимиз бўйлаб қилган сафарига миллионлаб томошабинларга ўз санъатини намойиш этди. Тошкент цирк манежиде ўтадиган аъёнаний томошаларда доимо иштирок этиб келаяпти.

Табиатан серғайрат, ўз ишининг устаси, жонқур Дарвишбек Раҳмонов раҳбарлик қилаётган «Қалдирғоч» томошаларида бир-бирини тақроқлаш унсурлари кўринмайди. Уларнинг кўплаб шоғирдлари хозирги хорижий мамлакатлар цирк ареналарида санъаткорларини намойиш этмокда. Булар орасида иллюзиячи сехрғар Тўйчи Тожихўев, Зўра Парфияева, Нозим Билалов, Зера Измайлова, ака-ака Валера ва Александр Сорокинлар бор.

Иزلанувчан раҳбар цирк дастурларига янгилик қилишга бора-сида ҳам кўп ишлар қилмокда. Хозиргача ҳеч ким бажармаган, шахсан ўзи ихтиро қилган полвонлик томошалари юқори баҳоланадиган Ийгитлар гуруҳи билан бажариладиган «Нарвон» томошаси эквилибристлари ва қизлар гуруҳи билан бажариладиган «Кувноқ чигирткалар» дастурлари бунга мисоллар.

Дарвишбек Раҳмоновнинг қишлоқ шароитида йигирма беш йилдан бунг фаолият кўрсатиб келаятган цирк жамоасига янги ижодий парвозлар тилаймиз. **Шаҳноза ШОЖАЛИЛОВА**



Дарвишбек Раҳмоновнинг қишлоқ шароитида йигирма беш йилдан бунг фаолият кўрсатиб келаятган цирк жамоасига янги ижодий парвозлар тилаймиз.


Оиламизда санъаткорлар бўлмаса-да, цирк санъатига қизиққаным учун Тошкентда очилган Республика эстрада ва цирк санъати студиясига ўқишга кирдим, — дейди Д.Раҳмонов ўзининг бу соҳага кириб келиши ҳақида гапириб. — Студияда цирк санъатининг сир-асрорларини устозларимдан кўп билан ўргандим. Бу санъат четдан қараганда оддий кўринаса-да, томоша жараёни жуда мураккаб кечаяди. Томошанинг бир нуктасида хато қилсангиз — тамома, томошабиннинг ихлоси қайтади. Ота-болаларимиздан мерос бўлиб келаятган цирк санъатини етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча томошабинлар бирдай завқ билан томоша қилади. Бизнинг вазирамиз ана шу завқни сундирамизликдир.

Дарвишбек Раҳмонов бу қадим санъатини ёшлар қалбига сингдириш мақсадида 1982 йили «Қалдирғоч» болалар цирк жамоасига асос солди. Цирк санъатида гўнаҳ жамоа ташкил топди. Фидойи ташкилотчи (ўзи аслида полвон бўлган), жонқуяр раҳбарнинг тимимиз

Китобниининг ўқидим


Адабиётшунос Ўткир Шоқиров сўнги ўн йил мобайнида XX асрда ўзбек маданияти равангага катта ҳисса қўшган санъат усталари ижодини изчил тадқиқ қилиб, 2001 йили Ф.Ашрафий, И.Шоқировлар билан ҳамкорликда «Ўзбек маданияти намояндалари» китобининг биринчи жилдини, 2002 йили М.Абдуқундузов билан ҳаммуаллификада «Миллий театрининг номояндалари» китобининг биринчи жилдини нашрдан чиқарди. Улар жамоатчилик томонидан елим кутиб олинди ва матбуотда ижобий баҳоландилар. Шундай асарларга бўлган талаб ва эҳтиёжни эътиборга олиб, «Ўзбекистон маданияти намояндалари»нинг иккинчи китоби ҳам юзга келди. Ўқув қўлланмаси Сағитфатда тақдим этилган иккинчи китобдан ҳам театр, кино, мусиқа, қўшиқ ва рақс санъатининг таниқли вакиллари тўғрисидаги портретлар ўрин олган. Муаллифлар ўзбек санъаткорларининг ҳаёт ва ижодларини чўқур ўрганиб, улар ҳақида қисқа ва лўнда ижодий маълумотлар берганлар.

XX асрнинг 60-80 йиллари ўзбек киносиде «Утган кунлар», «Мафтунынган», «Фидойи», «Генерал Раҳимов», «Улугбек юлдузи», «Сен елим эмассан», «Абу Райҳон Беруний», «Турналар уганда», «Севишганлар» каби бугун ҳам муҳаббат билан қўрилайтган бадий филмлар яратилди. Уларнинг қўлчиқини сурагга олишда фаол қатнашган Йўлдош Аъзамов, Зағит Собитов, Собир Муҳамедов, Михаил Мелкумов, Роалд Ботиров, Эмануэл Қалантаров сингари кино санъати намояндалари ҳақида ижодий портретлар «Кино санъати» номли иккинчи қисмдан ўрин олган. Учинчи, тўртинчи, бешинчи қисмлар мусиқа, қўшиқ ва рақс санъати намояндалари ижодига бағишланган. Кенг китобхонлар оmmasiga мўлжалланган бу асар миллий маданиятимиз тарихини ўрганувчи ўқувчи-талабалар, муаллимлар ва ўзбек санъати ихлосомандлари учун зарур қўланма, доимий ҳамроҳ бўлиб қолишига ишонамиз. **Ҳафиз АБДУСАМАТОВ**



ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ НАМОЯНДАЛАРИ

ҲАЙКАЛТАРОШ ВА ХАТТОТ



Ҳайкалтарош, медалсоз-хаттот Саидолим Шарипов медалсозликнинг юртимизда фаолият кўрсатаятган энг йирқик талантли вақилларидан бири. Юртимизнинг мустақилликка эришуви бу тармок ривожига туртки бўлди ва кенг имкониятлар очилди. Болалигидан тўғаракларда шуғулланиб юрганига қарамай, С.Шариповнинг рассом сифатида профессионал билим эгаллаши аниқ кийин кечди. Икки марта рас-

сомлик билим юртига қабул қилинмади. Тошкент театр ва рассомлик санъати институти ҳайкалтарошлик бўлимига киришида ҳам дастлаб тайёрлов бўлимида ўқиди. Бир йилдан сўнг талабалар сафидан ўрин олган С.Шарипов Александр Л. Вячеслав Шевченко, Тўлаған Тожихўжаев каби моҳир педагоглар қўлида ўқиди. Ф.Гришченко, П.Челишев каби ҳайкалтарош усталардан маслаҳатлар олди.


Уқини битириб, Тошкентдаги «Рассом» комбинатида ишлади. Асосан бог ва хиёбонлар ҳайкалтарошлиги бўйича иш оlib борди. Машҳур рассом Баҳодир Жалолов билан бирга «Туркистон» саройи орқа фасадида туркум амалий ҳайкалтарошлик рельефларини яратди, шунингдек собиқ марказий бозор худудига Болалар шаҳарчасини бунёд этишда қатнашди. С.Шарипов дастлабки медалларини 1987 йилдан кўргазмаларда намойиш қила бошлади. Ўзбекистон мустақиллигининг бир йил-

САЙРАМДА ЯНГИ ТОМОША

Санъат, жулладан, театр азал-азалдан халқларни, миллатларни бир-бирига яқинлаштирувчи кў сифатида эътироф этилади. Жанубий Қозғистон вилоятидаги Ўзбек драма театри ҳам икки миллат, икки қардош элнинг ўзаро маданий яқинлиги йўлида фаолият олиб бораётган театрлардан биридир. Яқинда мазкур даргоҳда ўзбек тилида навбатдаги «Эй, улуг султон» спектаклининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Айни кунларда қизгин ижод билан банд бўлган театр жамоасининг эллигдан ортук актёрларининг аксариятини Сайрамдаги Халқлар дўстлиги университети талабалари ҳамда битирувчилари ташкил этади. Театр ижодий жамоаси йил мобайнида баракали ижод қилди. Жумладан, Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолани», Шароф Бошбековнинг «Темир хотин», Алп Жамолнинг «Бевафос янган», Шараф Исобековнинг «Бир ҳайкал моҳароси», Саид Анварнинг «Хизматдамиз — хизматди!» спектакллари ўзбек ва қозғк томошабинлари томонидан яхши кутиб олинди. Юқориде қайд этилган «Эй, улуг султон» спектакли ҳам театр ихлосомандлари олқишига сазовор бўлди. «1001 кеча» эртақлари асосида сахналаштирилган мазкур комедияда воқеалар араб мамлакатларидан бирида кечаяди.

Кўндалик тирикчилик ташвишларига қўмилиб қолган оддий йигит Ҳасанга тақдир тақозоси билан султонлик тахти насаб этади. Спектаклнинг асосий қисми Ҳасаннинг султонлик тахтидаги сарғузашлари билан боғлиқ. Ҳасан ролин иккун этган ёш актёр Рўстам Саидхўжаев ўз истеъдодини намойиш қили олган. Шунингдек, Ҳадича (Шоҳиста Усмонова), Мандур (Улугбек Носиров), Жаҳар (Ақбар Эрхонов), Лайли (Дилдора Бобошева) образларини яратувчиларининг иккун маҳоратлари ҳам таҳсинга сазовор. Қолаверса, «Дўстлик» маданият маркази ҳамда «Жанубий Қозғистон» газетаси ташаббуси билан тез-тез ўтказиб келинаётган ўзбек маданияти кунлари эса ҳар икки мамлакатнинг ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланишига хизмат қилмокда.



Мирқарим МИРСУВУРОВ

